

“Республиканинг сейсмик фаол худудида жойлашган мавжуд бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп қаватли турар жойларнинг сейсмик заифлигини баҳолаш учун зарур бўлган маълумотларни назарда тутувчи “Электрон техник паспорт” ахборот тизимини такомиллаштириш” юзасидан

755 - сонли ШАРТНОМА

Тошкент шаҳри

2022 йил “30” Июль

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасини кўллаб-қувватлаш жамғармаси номидан Ш.Р. Ражаббаев Устав асосида фаолият юритувчи, бундан буён матнда “Буюртмачи” деб аталувчи, бир тарафдан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси М.Т.Ўразбоев номидаги Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти номидан институт директори К.С. Султанов Устав асосида фаолият юритувчи бундан буён матнда “Молиялаштирувчи” деб аталувчи, иккинчи тарафдан ва “UNICON.UZ” - Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази ДУК номидан директорнинг биринчи ўринбосари Т.В. Машанпин Устав асосида фаолият юритувчи, бундан буён матнда “Бажарувчи” деб аталувчи, учинчи тарафдан (биргаликда “Тарафлар”) қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани имзоладик:

## 1. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

1.1. Мазкур Шартномага биноан Бажарувчи “Республиканинг сейсмик фаол худудида жойлашган мавжуд бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп қаватли турар жойларнинг сейсмик заифлигини баҳолаш учун зарур бўлган маълумотларни назарда тутувчи “Электрон техник паспорт” ахборот тизимини такомиллаштириш” бўйича ишларни бажариш, Буюртмачи бажарилган ишларни қабул қилиш, Молиялаштирувчи эса Бажарувчига ушбу ишларнинг қийматини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

1.2. Ишларни бажариш муддатининг умумий давомийлиги ушбу Шартноманинг 2-бўлимига мувофиқ, Бажарувчи томонидан олдиндан тўлов олинган кундан эътиборан 50 (эллик) кун.

## 2. ШАРТНОМАНИНГ УМУМИЙ ҚИЙМАТИ, МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

2.1. Шартноманинг умумий қиймати мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 2-Иловада келтирилган Шартномавий нархни келишиши баённомасига мувофиқ, ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда 292 000 000 (икки юз тўқсон икки миллион) сўмни ташкил этади.

2.2. Шартнома бўйича тўлов Молиялаштирувчи томонидан Бажарувчи ҳисоб рақамига қуйидаги тарзда ўтказилади:

- Молиялаштирувчи мазкур Шартнома имзоланган кундан эътиборан 10 (ўн) кун ичида Шартноманинг умумий қийматидан 30% миқдорида, яъни 87 600 000 (саксон етти миллион олти юз минг) сўмни олдиндан тўлов сифатида Бажарувчи ҳисоб рақамига ўтказиб беради;

- Шартнома қийматининг қолган 70% қисми мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 1-Иловада келтирилган Ишларни бажариш режасига мувофиқ, Буюртмачи ва Бажарувчи томонидан имзоланган босқичлар юзасидан бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш Далолатномаси ва Ҳисобварақ-фактураси имзоланган кундан эътиборан 10 (ўн) кун муддатда тўлаб берилади.

2.3. Буюртмачи томонидан бажариш учун таклиф қилинган, мазкур шартнома билан боғлиқ бўлмаган барча ишлар бошқа шартнома ва келишув мавзуси бўлиб хизмат қилади.

### 3. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

#### 3.1. Бажарувчининг ҳуқуқлари:

3.1.1. Шартнома доирасида белгиланган ишларни муддатидан илгари бажариш;

3.1.2. Буюртмачининг розилиги билан мазкур Шартномада кўрсатилган ишларни (ёки уларнинг бир қисмини) бажариш учун барча масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда алоҳида мутахассислар ёки экспертларни, шунингдек бошқа ташкилотларни жалб этиш.

#### 3.2. Бажарувчининг мажбуриятлари:

3.2.1. Мазкур Шартнома шартларига мувофиқ “Республиканинг сейсмик фаол ҳудудида жойлашган мавжуд бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп қаватли турар жойларнинг сейсмик заифлигини баҳолаш учун зарур бўлган маълумотларни назарда тутувчи “Электрон техник паспорт” ахборот тизимини такомиллаштириш” бўйича ишларни бажариш;

3.2.2. Бажарувчининг талабига биноан ишларнинг бажарилиши жараёни тўғрисида ахборот бериш;

3.2.3. Шартнома доирасида белгиланган ишларни бажарилишидаги муддатларнинг ва бошқа шартларнинг ўзгариши юзасидан Буюртмачини 5 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда огоҳлантириш;

3.2.4. Мазкур Шартнома доирасида маълум бўлган тижорат, молиявий, техник ва бошқа ахборотлар (сир)ларни учинчи шахсларга ошкор этмаслик.

#### 3.3. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

3.3.1. Бажарувчидан Шартнома муддатларига амал қилишни талаб қилиш;

3.3.2. Бажарувчи томонидан амалга оширилган ишлар сифати юзасидан ўз эътирозларини билдириш ва камчиликларни белгиланган муддатларда бартараф этишни талаб қилиш;

3.3.3. Бажарувчининг мазкур Шартнома доирасидаги мажбуриятларини амалга ошириш жараёнларини текшириш.

#### 3.4. Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.4.1. Мазкур шартнома доирасида бажарилган ишлар ўз вақтида қабул қилиш.

3.4.2. Ўз ваколати доирасида мазкур Шартномада белгиланган ишларни бажаришда Бажарувчига зарурий ахборотлар, дастлабки маълумотлар, техник шарт-шароитларни ва бошқа керакли материалларни ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш.

3.4.3. Мазкур Шартнома доирасида ишларни бажариш жараёнида тезкор қарорларни қабул қилиш учун ўз вакилини белгилаш.

#### 3.5. Молиялаштирувчининг ҳуқуқлари:

3.5.1. Шартномада кўзда тутилган ишларнинг бажарилиши юзасидан Буюртмачи ва Бажарувчидан маълумот олиш.

#### 3.6. Молиялаштирувчининг мажбуриятлари:

3.6.1. Бажарувчи томонидан бажарилган ишларни мазкур Шартноманинг 2-бўлимида белгилаб ўтилган миқдорда ва муддатларда тўлаб бериш.

### 4. ШАРТНОМА ДОИРАСИДА БАЖАРИЛГАН ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ-ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Шартноманинг 3.2.1-бандида белгиланган ишлар якунига етгач, Бажарувчи ишларнинг бажарилганлигини тасдиқловчи ҳисобот, икки нусхада бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини Буюртмачига тақдим этади.

4.2. Буюртмачи Шартноманинг 4.1-бандида кўрсатилган ҳужжатларни олган кундан эътиборан 5 (беш) иш куни ичида имзолаб Бажарувчига тақдим этади.

4.3. Буюртмачи Бажарувчи томонидан бажарилган ишларни қабул қилишдан бош тортганда 5 (беш) иш куни давомида ишларни қабул қилинмаганлигининг асосли сабабларини Бажарувчига ёзма равишда маълум қилиши лозим.

4.4. Бажарилган ишларда камчиликлар аниқланган тақдирда, Бажарувчи 10 (ўн) иш кунидан кечикмаган ҳолда аниқланган камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф этиши лозим.

Аниқланган камчиликлар бартараф этилмаган тақдирда Буюртмачи томонидан ёзма огоҳлантириш берилган кундан эътиборан 10 (ўн) иш куни давомида ишларнинг мазкур (сифатсиз ёки яроқсиз деб топилган) қисми учун олинган пул маблағларини Молиялаштирувчига қайтариши лозим.

4.5. Бажарувчи ва Буюртмачи томонидан имзоланган бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси ишлар тугатилганлигининг факти ҳисобланади.

4.6. Бажарувчи кўрсатилган хизматлар учун электрон ҳисобварақ-фактурани тузади ва махсус тизим орқали Молиялаштирувчига тақдим қилади. Молиялаштирувчи 2 (икки) кун ичида ҳисобварақ-фактурани имзолаши ёки махсус тизим орқали электрон кўринишда сабабини кўрсатган ҳолда рад жавобини бериши керак.

## **5. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ**

5.1. Мазкур Шартнома шартларига Тарафларнинг келишувига кўра, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ўзгартиришлар киритиш мумкин.

5.2. Мажбуриятларнинг бажарилишидан бир томонлама бош тортиш ва мазкур Шартнома шартларига бир томонлама ўзгартиришлар киритишга йўл қўйилмайди.

5.3. Мазкур Шартнома Тарафларнинг ўзаро келишувига биноан ёзма шаклда расмийлаштирилган, Тарафлар томонидан имзоланган Қўшимча келишув билан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

5.4. Шартнома бир тарафнинг талабига биноан фақатгина суд қарори билан, бошқа тараф томонидан Шартноманинг шартлари бузилганда, ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Бунда бир тарафдан бошқа тарафга етказилган Шартнома тузилаётган вақтда кўзда тутилган фойда (манфаат)дан маҳрум бўлишга олиб келувчи зарарлар муҳим омиллар ҳисобланади.

5.5. Бир тарафнинг мазкур Шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш талаби, бошқа тарафдан Шартномани ўзгартириш ёки бекор қилишдан рад этилгандагина судга арз қилиниши мумкин.

## **6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Мазкур Шартномага кўра, Тарафлар ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки номувофиқ бажарганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгардирлар.

6.2. Мазкур Шартноманинг *1-илова*сида кўрсатилган ишларнинг бажарилиш муддатларини бузганлиги учун Бажарувчи Буюртмачи/Молиялаштирувчига ҳар бир кечиккан кун учун Шартнома бўйича бажарилмаган ишларнинг қийматидан 0,1 фоиз (0,1%), лекин бажарилмаган ишлар қийматининг 10%идан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.3. Молиялаштирувчи Шартноманинг 2-бобида кўрсатилган ҳисоб-китобларни амалга ошириш муддатларини кечиктирганлиги учун, ҳар бир кечиктирилган кун учун тўлаб берилиши лозим бўлган ишлар қийматининг 0,1 фоизи (0,1%), лекин тўлаб берилиши лозим бўлган ишлар қийматининг 10%идан ортиқ бўлмаган миқдорда Бажарувчига пеня тўлайди.

6.4. Мазкур Шартноманинг 9-боби (Махфийлик) шартлари бузилган тақдирда, ушбу камчиликка йўл қўйган Тараф бошқа Тарафга ҳужжатлар билан тасдиқланган етказилган зарарларни тўлик қоплаб беради.

6.5. Тарафлар Шартномада кўзда тутилган пеняни ёзма шаклдаги даъво (талаб)ни олган кунидан эътиборан 10 (ўн) кун ичида тўлаб беради. Пеня тўлаш Шартнома шартларини бузган Тарафни мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

## **7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ ҚОИДАЛАРИ ҲАМДА ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ**

7.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш доирасида тарафлар амалдаги қонунчилик шу жумладан, коррупцияга қарши курашиш талабларига риоя этилишини таъминлайдилар. Бунда улар ва уларнинг ходимлари, филиаллари, бенефициарлари ва ушбу Шартномани бажаришда иштирок этадиган агентлар бизнес шериклари, воситачилар,

пудратчилар пора бериш ёки олиш, тижорат пора олиш сифатидаги ҳаракатларни (ҳаракатсизлиги) амалга оширмасликларини таъминлаш, пора беришда воситачилик, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ходимининг ёки бошқа шахсларнинг пора олиш ва ушбу Шартнома ва коррупцияга қарши курашиш ва жиноятчиликдан олинган даромадларни легаллаштириш (ювиш) ва терроризмни молиялаштиришга қарши қўлланиладиган қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқбузарликларга йўл қўймасликни кафолатлайди.

7.2. Тарафлар бевосита ёки билвосита, шахсан ёки учинчи шахслар орқали таклифлар, ваъдалар, бериш, товламачилик, сўровлар, пул ва бошқа қимматбаҳо буюмлар, мулк, мулк ҳуқуқи ва бошқа моддий ёки моддий бўлмаган фойдаларни олиш ва олишга розилик бериш ҳамда асоссиз устунликка эришиш ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш, шу жумладан Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлиги ва ошкоралиги тамойилларига мос келмайдиган мақсадларга эришиш ҳамда ҳар қандай шахслардан уларга таъсир ўтказишдан бош тортадилар. Тарафлар қайд этилган ҳаракатларнинг олдини олиш чораларини кўришни кафолатлайдилар.

7.3. Мазкур Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш қоидаларини бажариш доирасида, ушбу Шартномани Тарафлар қонун бузилишида гумонларнинг пайдо бўлиши ёки Тарафлар, уларнинг ходимлари, аффилиланган шахслари, бенефициарлари ва улар томонидан жалб қилинган шахслар томонидан бузилиш эҳтимоли борлиги тўғрисида бир-бирларини ёзма равишда (шу жумладан корпоратив электрон почтадан фойдаланган ҳолда) очиқ ва дарҳол хабардор қилишни ўз зиммаларига оладилар.

Шунингдек, агар Тарафлардан бири амалдаги қонун ёки ушбу Шартноманинг ҳар қандай коррупцияга қарши курашиш қоидаларини бошқа тараф, унинг ходимлари, аффилиланган шахслари, бенефициарлари ёки улар томонидан жалб қилинган шахслар томонидан бузилганлиги тўғрисида асосли шубҳа туғдирса, Ушбу Шартномани амалга ошириш доирасида ушбу тараф унга сўров олинган кундан бошлаб 10 (ўн) иш куни ичида шарҳлар ва бузилиш фактини рад қилувчи ёки тасдиқловчи маълумотлар, ҳужжатлар тақдим этиш талаби билан ёзма равишда сўров юборишга ҳақлидир.

7.4 Мазкур бобда кўрсатилган асослар бўйича ушбу Шартномани бир томонлама бекор қилишни талаб қилган тараф кейинги тарафга етказилган зарарни қоплаши қонунчиликда кўрсатилган тартибда амалга оширилади, шу билан бирга ушбу бобнинг мажбуриятларини бузган тараф ушбу Шартномани бир томонлама бекор қилиш туфайли зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас.

7.5. Ушбу Шартнома шартларини ўзгартириш, тугатиш ва бекор қилиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси асосида амалга оширилади.

7.6. Шартнома бўйича низолар Тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади, келишувга эришишнинг имкони бўлмаган тақдирда низо Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

## **8. ФОРС-МАЖОР**

8.1. Тарафлар 8.2-бандда кўрсатилган вазиятлар туфайли шартнома мажбуриятларини бажаришга имкон бўлмаганлигини исботлай олмаса, шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгар бўладилар.

8.2. Форс-мажор ҳолатлар жумласига Тарафларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда Тарафларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имкони бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлар киради.

8.3. Форс-мажор ҳолатлари юзага келганлиги тўғрисида Тарафлар бир-бирини ушбу вазият юзага келганлиги маълум бўлган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида огоҳлантиришлари лозим.

8.4. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган вазиятда, мажбуриятларни бажариш муддатлари ушбу вазиятлар ва уларнинг оқибатлари бартараф этилгунга қадар узайтирилади.

муддатлари ушбу вазиятлар ва уларнинг оқибатлари бартараф этилгунга қадар узайтирилади.

8.5. Форс-мажор ҳолатлари уч ойдан ортиқ давом этган тақдирда, тарафлар Шартномани бекор қилишлари мумкин. Бунда Бажарувчига Буюртмачи томонидан тўлаб берилган олдиндан тўлов, ишларнинг бажарилган қисми қийматини чегириб қолган ҳолда, Буюртмачига қайтариб берилади.

## 9. МАХФИЙЛИК

9.1. Буюртмачи – Қабул қилувчи томонга махфий маълумотларни ошкор қилувчи томондир.

9.2. Қабул қилувчи томон – яъни Бажарувчи Буюртмачидан махфий маълумотларни қабул қилувчи томондир.

9.3. Мазкур шартномага кўра ушбу шартноманинг шартлари ҳамда шартнома тузиш, бажариш ва бекор қилиш пайтида Томонлар ўзаро алмашадиган ҳар қандай маълумот ушбу шартнома амал қилиш муддати ва унинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг 5 (беш) йил давомида (агар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида узоқроқ муддат кўзда тутилмаган бўлса) махфий ҳисобланади.

Қабул қилувчи томон Ошкор қилувчи томоннинг олдиндан ёзма розилигисиз, ишни тузиш, бажариш ва тугатиш чоғида Ошкор қилувчи томондан олинган ҳар қандай махфий ахборотни ошкор қилмасликни ўз зиммасига олади. Агар бирон-бир махфий маълумот учинчи томонга шундай розилик билан берилса, қабул қилувчи томон бундай махфий маълумотларни учинчи томонга тақдим этилганда, учинчи томон ушбу маълумотни махфийлигини ушбу шартномада қайд этилган шартларга ўхшаш шартларда сақлаш мажбуриятини таъминлаши шарт.

9.4. Ҳар қандай махфий маълумотни, шу жумладан оғзаки равишда олган Қабул қилувчи томон, Ошкор қилувчи томондан бундай маълумотларнинг махфийлиги тўғрисида ёзма хабар олган бўлса, уни ошкор қилмаслиги керак. Бундай маълумотни худди шундай муҳим даражадаги маълумотларга тааллуқли эҳтиёткорлик даражасида қайта ишлаш мажбуриятини олади.

9.5. Қабул қилувчи томонидан қабул қилинган ахборот қуйидаги хусусиятлардан бирига жавоб берса, махфий ҳисобланмайди ва тегишли равишда Қабул қилувчи томон бундай маълумотларга нисбатан махфийликни сақлаш мажбуриятига эга эмас:

9.5.1. Ахборотни ошкор этилган вақтда ушбу маълумот ҳаммага маълум;

9.5.2. Маълумот қабул қилувчи шахсга унинг махфий эмаслиги тўғрисида ёзма кўрсатма берилади;

9.5.3. Ҳар қандай учинчи шахсдан қонуний равишда олинган маълумотлар;

9.5.4. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ махфий бўлмаган маълумотлар.

9.6. Агар ахборот қонун ҳужжатларига, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга, суд қарорига мувофиқ ошкор этилиши лозим деб топилса Қабул қилувчи томон Ошкор қилувчи томоннинг розилигисиз махфий ахборотни ошкор қилиш ҳуқуқига эга, бунда Бошқа томондан маълумот олган Томон бу ҳақида Бошқа томонни олдиндан ёзма равишда хабардор қилиши ва ахборотни ошкор қилиш зарурлигини тасдиқлаши шарт.

9.7. Томонлардан бирининг махфийлик шартлари бузилган тақдирда, ушбу Томон Бошқа томонга етказилган зарарни Тошкент шаҳар туманлараро иқтисодий судининг қарорига асосан қоплаб беради.

## 10. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Мазкур Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигида рўйхатдан ўтган кундан эътиборан кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

10.2. Ушбу шартнома Тарафлардан бирининг Шартнома шартларига амал қилмаган ҳолатида, етказилган зарарни қоплаган ҳолда бекор қилиниши мумкин.

10.3. Мазкур Шартномага барча ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилиши ва Тарафлар томонидан имзоланиши лозим.

10.3. Шартнома Тарафларнинг ҳар бири учун биттадан уч нусхада тузилиб, барча нусхалар бир хил юридик кучга эга.

## 11. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАР, БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ТАРАФЛАРНИНГ ИМЗОЛАРИ

### “Буюртмачи”

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси  
хузуридаги Сейсмология,  
иншоотларнинг сейсмик  
мустаҳкамлигини ва  
сейсмик хавфсизликни  
таъминлаш соҳасини  
қўллаб-қувватлаш  
жамғармаси

### “Бажарувчи”

“UNICON.UZ” Фан-техника ва  
маркетинг тадқиқотлари  
маркази давлат унитар  
корхонаси

100187, Тошкент шаҳар,  
Мирзо Улугбек тумани  
Мингбулоқ кучаси, 38  
Тел. 71 234-79-00,  
71 235-93-07

х/р: 20210 000 900 155 278 001

АТ “Алоқабанк” Амалиёт  
бошқармаси

Банк коди 00 401

СТИР: 200 898 586

ҚҚС тўловчининг рўйхат рақами:  
326030018136

### “Молиялаштирувчи”

Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси  
М.Т.Ўразбоев номидаги  
Механика ва иншоотлар  
сейсмик мустаҳкамлиги  
институтини



Директорнинг биринчи  
ўринбосари

Т. В. Машанпин

Институт директори

К. С. Султонов

Ҳузурдаги ҳужжатнинг аслида А. Ҳ. Ҳ. Ҳ.



2022 йил “30” ноябр даги  
755 -сон шартномага  
1-илова

“Республиканинг сейсмик фаол худудда жойлашган мавжуд бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп қаватли турар жойларнинг сейсмик заифлигини баҳолаш учун зарур бўлган маълумотларни назарда тутувчи “Электрон техник паспорт” ахборот тизимини такомиллаштириш” бўйича

### ИШЛАРНИ БАЖАРИШ РЕЖАСИ

№	Номланиши	Муддати	Қиймати
1.	Электрон техник паспорт” ахборот тизимига транспорт иншоотлар модулини жорий қилиш	Бажарувчига олдиндан тўлов ўтказилган кундан эътиборан 50 кун	292 000 000 сўм
2.	Инструментал техник текширув хулосасини олган бинолар учун инвестицион дастурга киритиш функциясини ишлаб чиқиш		
3.	Ахборот тизими дизайни ишларини такомиллаштириш, тизим администраторлигини таъминлаш ишлари		
4.	Тизимни техник қўллаб-қувватлаш	2 ой	Бажарувчи томонидан беминнат амалга оширилади

#### “Буюртмачи”

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси  
хузуридаги Сейсмология,  
иншоотларнинг сейсмик  
мустаҳкамлигини ва  
сейсмик хавфсизликни  
таъминлаш соҳасини  
қўллаб-қувватлаш  
жамғармаси

#### “Бажарувчи”

“UNICON.UZ” Фан-техника  
ва маркетинг тадқиқотлари  
маркази давлат унитар  
корхонаси

#### “Молиялаштирувчи”

Ўзбекистон  
Республикаси Фанлар  
академияси  
М.Т.Ўразбоев номидаги  
Механика ва иншоотлар  
сейсмик мустаҳкамлиги  
институту



Директорнинг биринчи  
ўринбосари



Институт директори



К.С. Султонов

2022 йил “30” НОЯБР даги  
755-сон шартномага  
2-илова

## ШАРТНОМАВИЙ НАРХНИ КЕЛИШИШ БАЁННОМАСИ

Биз, қуйида имзо қўювчилар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Сейсмология, иншоотларнинг сеймик мустаҳкамлигини ва сеймик хавфсизликни таъминлаш соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси номидан \_\_\_\_\_ Устав асосида фаолият юритувчи, бундан буён матнда “Буюртмачи” деб аталувчи, бир тарафдан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси М.Т.Ўразбоев номидаги Механика ва иншоотлар сеймик мустаҳкамлиги институти номидан институт директори К. С. Султанов Устав асосида фаолият юритувчи бундан буён матнда “Молиялаштирувчи” деб аталувчи, иккинчи тарафдан ва “UNICON.UZ” - Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази ДУК номидан директорнинг биринчи ўринбосари Т. В. Машанпин Устав асосида фаолият юритувчи, бундан буён матнда “Бажарувчи” деб аталувчи, учинчи тарафдан (биргаликда “Тарафлар”) “Республиканинг сеймик фаол худудида жойлашган мавжуд бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп қаватли турар жойларнинг сеймик заифлигини баҳолаш учун зарур бўлган маълумотларни назарда тутувчи “Электрон техник паспорт” ахборот тизимини такомиллаштириш” бўйича ишларни бажариш учун ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда 292 000 000 (икки юз тўқсон икки миллион) сўм миқдорида шартномавий нарх белгилаш тўғрисида келишиб олингани хақида ушбу баённомани имзоладик.

Мазкур баённома Тарафлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар ва тўловларни ўтказиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

### “Буюртмачи”

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси  
хузуридаги Сейсмология,  
иншоотларнинг сеймик  
мустаҳкамлигини ва  
сеймик хавфсизликни  
таъминлаш соҳасини  
қўллаб-қувватлаш  
жамғармаси

### “Бажарувчи”

“UNICON.UZ” Фан-техника  
ва маркетинг тадқиқотлари  
маркази давлат унитар  
корхонаси

### “Молиялаштирувчи”

Ўзбекистон  
Республикаси Фанлар  
академияси  
М.Т.Ўразбоев номидаги  
Механика ва иншоотлар  
сеймик мустаҳкамлиги  
институти



Ш. Раҳимбаев



Директорнинг биринчи  
ўринбосари

Т. В. Машанпин



Институт директори

К. С. Султанов

Fan-texnika va marketing  
tadqiqotlari markazi  
Davlat unitar korxonasi

100187, Toshkent sh.,  
Mingbuloq ko'ch., 38  
tel: (99871) 208 81 51,  
208 81 59, 208 81 94  
e-mail: devonxona@unicon.uz,  
info@unicon.uz, unicon@exat.uz,  
www.unicon.uz

5-4/2005 - son  
2022y. «18» 11

## Xarid komissiyasiga

Mazkur xat bilan "UNICON.UZ" DUK quyidagilarni tasdiqlaydi:

- Korxonaga qayta tashkil etish, tugatish va bankrotlik holatida emas;
- O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi M.T.O'razboyev nomidagi Mexanika va inshootlar seysmik mustahkamligi instituti bilan sud yoki arbitraj muhokamasi holatida emas;
- insofsiz ijrochilarning yagona reestriga kirmagan;
- O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi M.T.O'razboyev nomidagi Mexanika va inshootlar seysmik mustahkamligi instituti bilan ilgari tuzilgan shartnomalar bo'yicha lozim darajada bajarilmagan majburiyatlari mavjud emas.

Shu bilan birga, korrupsiya ko'rinishlarining oldini olish maqsadida "UNICON.UZ" DUK:

- Buyurtmachi bilan manfaatlar to'qnashuvi shuningdek, pudratchini tanlash bo'yicha qaror qabul qilish huquqiga ega bo'lgan ta'sislar va/yoki xodimlar orasida yaqin qarindoshlari mavjud emasligini,

- narxlar yoki tanlov natijalarini noto'g'ri ko'rsatish uchun boshqa ishtirokchilar bilan til birlashtirishini tasdiqlaydi va quyidagilarni o'z zimmasiga oladi:

- O'zbekiston Respublikasining 2021-yil 22-apreldagi "Davlat xaridlari to'g'risida"gi O'RQ-684-son Qonuni talablariga rioya etish;

- To'g'ridan-to'g'ri yoki bilvosita Buyurtmachining yoki boshqa davlat organining amaldagi yoki sobiq xodimiga har qanday harakat, qarorni amalga oshirishga ta'sir qilish maqsadida haq to'lash, ishga joylashish taklifi yoki boshqa qimmatli narsa yoki xizmatlarni taklif qilmaslik yoki bermaslik, davlat xaridlari jarayonida Buyurtmachining har qanday xarid qilish tartibini qo'llash;

- raqobatga qarshi harakatlarni, shu jumladan, afillanganlik holati aniqlanganda ham sodir etmaslik;

- firibgarlik, ma'lumotlarni soxtalashtirish va korrupsiyaning oldini olish;

- soxta yoki qalbaki hujjatlar taqdim etmaslik, ushbu lotda ishtirok etuvchi afillangan shaxslar to'g'risidagi ma'lumotlarni oshkor qilmaslik.

Direktorning  
birinchi o'rinbosari

Bosh buxgalter

Iqtisodiyot va rejalashtirish  
ilmiy-tadqiqot bo'limi



T. Mashanpin

A. Rizakulov

M. Umarov